O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XUSUSIYLASHTIRILGAN
KORXONALARGA KO'MAKLASHISH
VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH
DAVLAT QO'MITASI

100066, Toshkent sh., Islom Karimov ko'chasi, 55
Tel.: (998 71) 239-44-46, Fax: (998 71) 239-47-84

THE STATE COMMITTEE OF
THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
FOR ASSISTENCE TO PRIVATIZED
ENTERPRISES AND
DEVELOPMENT OF COMPETITION

55, Islom Karimov street, Tashkent, 100066, Uzbekistan
www.gki.uz e-mail: info@gki.uz

"05" 05 2017 у. № 186/01-26

**Тошкент шаҳар**
**хўжалик суди**

**Даъвогар:** **Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси**
Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов шох кўчаси, 55 Х/р: 23411000900100001310, Банк: «Ипотека банк» АТИБнинг Шайхонтохур филиали, МФО: 00425, ИНН: 205712670

**Жавобгар:** **"Совпластитал" АЖ**
Манзил: 100185, Тошкент ш,Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси 29А-уй, телефон раками: 0 371 276-74-65; факс: 0 371 120-64-01 "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиалида х/р: 20214000400111900001, МФО 00427. СТИР: 200797554.

## ДАЪВО АРИЗАСИ

(Битимларни ҳақиқий эмас деб топиш ва ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш тўғрисида)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрел куни Чилонзор тумани фаоллари ва жамоатчилик вакиллари билан кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлисда Давлат рақобат қўмитасига "Совпластитал" АЖнинг давлат эгалигидаги улушлар сотилиши қонунийлигини ўрганиш, заруратга кўра уларни бекор қилиш ва бино иншоотларни маҳаллий ҳокимлик тасарруфига ўтказиш бўйича судга даъво аризаси киритиш топширилган.

Аниқланишича, СССР Кимё саноати вазирлигининг 1987 йил 25 сентябрдаги 669-сонли буйруғига асосан "Совпластитал" халқ истеъмол товарлари ва пластмасса ёдгорлик буюмлар ишлаб чиқариш Совет-Италия қўшма корхонаси ташкил этилган.

Корхона устав фонди 30.10.1987 йил ҳолатига 23,561 млн. инв.рубльни ташкил этган ва қуйидагича тақсимланган:

- СССР Кимё саноати вазирлиги ҳузуридаги "Союзбитхим" бутун иттифоқ саноат бирлашмасининг улуши – 78% ёки 18,38 млн.инв.руб.;
- "Алма Розе" фирмаси (Италия)нинг улуши – 22% ёки 5,181 млн.инв.руб.

Кейинчалик, Корхона бошқарувининг 26.03.1991 йилдаги мажлис қарорига асосан Корхона таъсисчилари таркибига "Флорал Силк" фирмаси (Италия) ва Кременчуг нефтни қайта ишлаш заводи (Украина) киритилган. Мазкур қарор билан Корхона устав фонди 25,648 млн. инв. рубль миқдорида белгиланган ва қуйидагича тақсимланган:

- "Союзбытхим" БСБ – 71,66% ёки 18,38 млн.инв.руб.;
- "Алма Розе" фирмаси (Италия) – 20,2% ёки 5,181 млн.инв.руб.;
- "Флоралсилк"фирмаси (Италия) – 4,24% ёки 1,087 млн.инв.руб.;
- Кременчуг нефтни қайта ишлаш заводи (Украина) – 3,90% ёки 1,0 млн. инв.руб.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддаси талабларига кўра, давлат мулки объектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Иттифоқ карамоғида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ноишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фондлари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулки эканлиги белгиланган.

Шунга кўра, СССР Кимё саноати вазирлиги ҳузуридаги "Союзбытхим" бутун иттифоқ саноат бирлашмаси улуши Ўзбекистон Республикасининг мулкига ўтган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонунининг 20-моддасига асосан мулкий ҳуқуқни халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган давлат бошқаруви органлари амалга оширади.

Бироқ, 12.12.1991 йилда "Союзбытхим" БСБ томонидан давлатга ўтган улуш "Совпластитал" ҚКга 25 млн. рубль (44 млн. 602 минг 500 АҚШ доллари эквалентида) эвазига ўтказиб берилган ва унинг қиймати "Интерприватизация" хорижий инвестиция ва хусусийлаштиришга кўмаклашиш фонди ҳисоб рақамига ўтказиб берилиб, гуёки сотиб олинган улуш сифатида меҳнат жамоаси ўртасида тақсимланган.

11.05.1991 йилда "Совпластитал" ҚК ва "Алма Розе" фирмаси ўртасида тузилган битимга кўра "Совпластитал" ҚК "Алма Розе" фирмасига 3,7 млн. АҚШ долларини тўлаб бериш мажбуриятини олган, шундан 400,0 минг АҚШ доллари пул маблағлари кўринишида ва 3,3 млн. АҚШ доллари маҳсулот кўринишида тўлаб берилиши белгиланган.

Корхона бошқарувининг 20.04.1993 йилдаги мажлис қарорига мувофиқ Корхонанинг устав фонди миқдори 59,932 млн.рубльга оширилган ва жамият устав фонди 85,580 млн.рубль миқдорида белгиланган ҳамда қуйидагича тақсимланган:

- "Совпластитал" ҚК – 96,67% ёки 82,726 млн. руб.;
- "Флоралсилк" фирмаси (Италия) – 2,16% ёки 1,854 млн.руб.;
- Кременчуг нефтни қайта ишлаш заводи (Украина) – 1,17% ёки 1,0 млн. руб.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Эксперт марказининг хулосасига мувофиқ "Совпластитал" ҚКнинг мол-мулкининг баҳоланиш қиймати 01.07.1996 йил ҳолатига 705 616,7 минг сўм миқдорида белгиланган, шундан 22 439,8 минг сўмини ижтимоий соҳа объектлари ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 06.01.1997 йилдаги "Совпластитал" қўшма корхонасини ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти қўшма корхонаси шаклида қайта ташкил этиш тўғрисида"ги 01к-ПР-сонли буйруғига асосан жамиятнинг устав фонди 683 200,0 минг сўм миқдорида белгиланган.

Мазкур буйруққа асосан "Совпластитал" ҚКнинг мол-мулкининг баҳоланиш қиймати 705 616,7 минг сўм миқдорида белгиланган, шундан 22 439,8 минг сўмлик ижтимоий соҳа ва атроф муҳофазаси объектлари тасарруф этиш ҳуқуқисиз меҳнат жамоасига берилган.

"Совпластитал" ЁТАЖ акциядорларининг 09.04.1998 йилдаги умумий йиғилиши баённомасига асосан "Совпластитал" ЁТАЖни "Совпластитал" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонасига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

"Совпластитал" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси таъсисчиларининг 05.11.1998 йилдаги умумий йиғилиши қарори билан Корхона Устави тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига кўра жамият иштирокчилари жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақлидирлар.

Шунга кўра, давлат 96,67% улушга мутаносиб мулк қисмини табиий шаклда олган ҳолда жамиятдан чиқишга ҳақли бўлган.

"Совпластитал" МЧЖ ҚК 29.06.2007 йилдаги умумий йиғилиш қарорига асосан жамият "Совпластитал" очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилган.

Бироқ, бунда давлат 96,67% улуш билан иштирок этмаган.

"Совпластитал" ОАЖ акциядорларининг 11.10.2007 йилдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласи тасдиқланган.

"Совпластитал" МЧЖ ҚКни очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида Давлат мулки қўмитасининг 14.12.2007 йилдаги 35к-ПО-сонли буйруғи чиқарилган ҳамда унга кўра "Совпластитал" ОАЖ устав фонди 683 200 минг сўм миқдорда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 114 ва 116- моддаларига асосан қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги ва битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Юқоридагиларни инобатга олиб, сўрайман:

1) қуйидагиларни ҳақиқий эмас деб топишингизни:

- "Sovplastital" ҚК бошқарувининг 20.04.1993 йилдаги қарорини;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 06.01.1997 йилдаги 01к-ПР-сонли ва 14.12.2007 йилдаги 35к-ПО-сонли буйруқларини;

- 04.11.1997 й.да берилган 1277-сон давлат ордерини;

- "Совпластитал" МЧЖ ҚК 29.06.2007 йилдаги умумий йиғилиш қарорини;

2) "Совпластитал" МЧЖ устав фондидаги 96,67% улушга давлатнинг мулк ҳуқуқини тан олишингизни;

3) "Совпластитал" МЧЖ иштирокчилари сафидан давлатни 96,67% улуш билан бино-иншоотлар билан чиқариб, "Совпластитал" МЧЖга тегишли бино-иншоотларни давлатга, яъни Чилонзор тумани ҳокимияти балансига олиб беришингизни.

4) "Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати" ДУК ва "Совпластитал" АЖ "Совпластитал" АЖ кўчмас мулклари бегоналаштирилишини тақиқлашингизни.

**Эслатма:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги №ПФ-5016-сонли Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинган.

***Илова:***

1. СССР Кимё саноати вазирлигининг 1987 йил 25 сентябрдаги 669-сонли буйруғи нусхаси;
2. "Sovplastital" ҚКнинг 25.03.1991 йилдаги мажлисининг 10-сонли қарори нусхаси;
3. 12.12.1991 йидаги 1294-сонли тўлов топшириқномаси нусхаси;
4. "Sovplastital" ҚК бошқарувининг 20.04.1993 йилдаги мажлис қарори нусхаси;
5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 06.01.1997 йилдаги 01к-ПР-сонли буйруғи нусхаси;
6. Почта харажатлари тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;
7. Даъво аризаси нусхаси жавобгарга юборилганлигини тасдиқловчи почта квитанцияси.

**Раис** **Р. Гулямов**

№ 186/01-26
05.05.2017 г.

**Ташкентскому городскому хозяйственному суду**

**Истец:** **Государственный Комитет Республики Узбекистан по содействию приватизированным предприятиям и развитию конкуренции**

**Ответчик:** **АО «Совпластитал»**

**Исковое заявление**

(о признании сделок недействительными и применении последствии признания недействительными)

На расширенном собрании с активами района и представителями общественности при посещения 12 апреля 2017 года Президентом Республики Узбекистан Чиланзарского района дано поручение изучить законность продажи государственной доли в АО «Совпластитал»,и внести в суд исковое заявление по отмене их при необходимости, и перевода зданий и сооружений в подчинение местного Хокимията.

Как установлено, приказом № 669 от 25.09.1987 года Министерства химической промышленности СССР организовано Советско-Италянское совместное прелприятие «Совпластитал» по производству товаров народного потребления и пластмассовых сувенирных изделий.

Уставной фонд предприятия по состоянию на 30.10.1987 года составляло 23,561 млн. инв. рубля и распределено следующим образом:

- Всесоюзное промышленное объединение «Союзбытхим» при Министерстве химической промышленности СССР – 78% или 18,38 млн.инв. рубля;
- Доля фирмы «Алма Розе» (Италия) – 20,2% или 5,181 млн.инв.рубля.

В последующем согласно Решение от 26.03.1991 года Правление предприятия в состав учредителей предприятия внесены фирма «Флорал Силк» (Италия) и Кременчугский завод по переработке нефти (Украина). Данным Решением Уставной фонд предприятия установлено 25,648 млн.инв.рубля и распределено следующим образом:

- Всесоюзное промышленное объединение «Союзбытхим» при Министерстве химической промышленности – 71,66% или 18,38 млн.инв. рубля;
- Фирма «Алма Розе» (Италия) – 20,2% или 5,181 млн.инв.рубля;
- Фирма «Флорал Силк» (Италия) - 4,24% или 1,087 млн.инв.рубля;
- Кременчугский завод по переработке нефти (Украина)- 3,90% или 1,0 млн.инв.рубля.

Согласно требования ст. 8 Закона Республики Узбекистан «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан», Объекты государственной собственности, включая имущество государственных предприятий, учреждений и организаций, в том числе находившихся в союзном подчинении, их основные производственные, непроизводственные, оборотные или иные формы и иное имущество, системы внутренней коммуникации, транспорта, связи и энергетики, республиканские картография и геодезия являются собственностью Республики Узбекистан.

Вх. № 03-336
11.05.2017

Поэтому доля Всесоюзной промышленной объединение «Союзбытхим» при Министерстве химической промышленности СССР считается перешедшим в собственность Республики Узбекистан.

Согласно ст. 20 Закона Республики Узбекистан «О собственности Республики Узбекистан», Субъектом государственной собственности является народ Республики Узбекистан. Реализацию права собственности от имени народа осуществляют Олий Мажлис Республики Узбекистан, Президент Республики Узбекистан и уполномоченные ими органы государственного управления.

Однако, 12.12.1991 года доля Всесоюзной промышленной объединение «Союзбытхим» при Министерстве химической промышленности СССР перешедщая в собственность Республики Узбекистан, передано в СП «Совпластитал» за 25 млн. рубль (в эквиваленте 44 млн.602 тысяча 500 долларов США) и его стоимость переведено в расчетный счет фонда содействия иностранной инвестиции и приватизации «Интерприватизация», и распределено между трудовым коллективом будьто приобретенное (купленное) доля.

Согласно сделки от 11.05.1991 года между СП «Совпластитал» и фирмы «Алма Розе», СП «Совпластитал» взял на себя обязательства оплатить 3,7 млн. долларов США, из них 400,0 тысяча долларов США наличными и 3,3 млн.долларов США в виде продукции.

Согласно решение собрания от 20.04.1993 года Правления предприятия Уставной фонд предприятия повышен на 59,932 млн.рубль и Уставной фонд предприятия определен в объеме 85,580 млн.рубль и распределено следующим образом:

- СП «Совпластитал» – 96,67% или 82,726 млн. рубля;
- Фирма «Флорал Силк» (Италия) – 2,16% или 1,854 млн.рубля;
- Кременчугский завод по переработке нефти (Украина)- 1,17% или 1,0 млн.рубля.

Согласно заключение Экспертного Центра Комитета государственного имущества Республики Узбекистан по состоянию на 01.07.1996 года оценочная стоимость имущества СП «Совпластитал» определено на 705 616,7 тысяча сум, из них 22 439,8 тысяча сум составляло объекты социальной сферы.

Согласно приказа № 01к-ПР от 06.01.1997 года Комитета государственного имущества Республики Узбекистана «О переобразование СП «Совпластитал» в совместное предприятие закрытого акционерного общества» , уставной фонд общества определено в объеме 683 200,0 тысяча сум.

Согласно данного приказа оценочная стоимость имущества СП «Совпластитал» определено на 705 616,7 тысяча сум, из них объекты социальной сферы и объекты защиты среди на 22 439,8 тысяча сум передано трудовому коллективу без право распоряжаться.

Согласно протокола общего собрания акционеров ЗАО «Совпластитал» от 09.04.1998 года принято Решение о переобразования ЗАО «Совпластитал» в СП ООО «Совпластитал».

Решением общего собрания учредителей СП ООО «Совпластитал» от 05.11.1998 года утверждено Устав предприятия.

Согласно ст. 20 Закона Республики Узбекистан «Об обществах с ограниченной и дополнительной ответственностью», Участники общества вправе в любое время выйти из общества независимо от согласия других его участников в порядке, предусмотренном настоящим Законом и учредительными документами общества.

Поэтому государство естественно имело право выйти из общества взяв собой часть имущества соразмерно 96,67% доли.

Согласно решение общего собрания от 29.06.2007 года общества ООО СП «Совпластитал» переобразован в ОАО «Совпластитал».

Однако государство с 96,67% долей в этом не участвовало.

Решением внеочередного общего собрания акционеров ОАО «Совпластитал» от 11.10.2007 года утверждена решении о выпуске акции и эмиссиионная брашюра.

Согласно приказа № 35к-ПО от 14.12.2007 года Комитета государственного имущества Республики Узбекистана «О переобразование ООО СП «Совпластитал» в ОАО «Совпластитал», и уставной фонд общества определено в объеме 683 200,0 тысяча сум.

Согласно ст.ст. 114 и 116 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, При недействительности сделки каждая из сторон обязана возвратить другой все полученное по сделке, а в случае невозможности возвратить полученное в натуре (в том числе, когда полученное выражается в пользовании имуществом, выполненной работе или предоставленной услуге) возместить его стоимость в деньгах, если иные последствия недействительности сделки не предусмотрены законом.

Учитывая вышеизложенное, прошу:

1. Признать недействительными:

- Решение от 20.04.1993 года Правление СП «Совпластитал»;

- Приказы № 01к-ПР от 06.01.1997 года и № 35к-ПО от 14.12.2007 года Комитета государственного имущества Республики Узбекистана;

- Государственный ордер № 1277 от 04.11.1997 года;

- Решение общего собрания от 29.06.2007 года общества ООО СП «Совпластитал».

2. Признать право собственности государства на 96,67% доли в уставном фонде ООО «Совпластитал».

3. Вывести государства из числа участников ООО «Совпластитал» с 96,67% долей с зданиями-сооружениями, и здание-сооружения принадлежащие ООО «Совпластитал» передать государству т.е. в баланс Чиланзарского районного Хокимията.

4. Запретить ГУП « Службы земельных ресурсов и государственного кадастра города Ташкента» и АО «Совпластитал», отчуждения недвижимое имущество АО «Совпластитал».

Напоминание:

Согласно Указа № ПФ-5016 от 18.04.2017 года Президента Республики Узбекистан, Государственный комитет Республики Узбекистан по содействию приватизированным предприятиям и развитию конкуренции и его территориальные органы освобождены от уплаты государственной пошлины по искам, вносимым на рассмотрение судов в соответствии с возложенными на комитет полномочиями..

Приложение:

1. Копия приказа № 669 от 25.09.1987 года Министерства химической промышленности СССР;
2. Копия Решение № 10 от 25.03.1991 года собрания СП «Совпластитал»;
3. Копия платежного поручения № 1294 от 12.12.1991 года;
4. Копия решение собрания Правления СП «Совпластитал»;
5. Копия приказа № 01к-ПР от 06.01.1997 года Комитета государственного имущества Республики Узбекистана.
6. Квитанция об оплате почтовых расходов;
7. Извещение об отправлении копии Искового заявления ответчику.

**Председатель** **Р.Гулямов**

Текст с узбекского языка
на русский язык перевел
Переводчик. Нарзиев К.И.05.